



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 17 сентябрь, № 197 (7699) Пайшанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 16 сентябрь куни сув ҳўжалигида тежамкор технологияларни жорий этиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Минтақамизда сув танқислиги билан боғлиқ вазият йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда. Охириги 10 йилда, мисол учун, Ўзбекистонда сув ҳўжми 12 фоиз, ўтган йилдаги нисбатан эса бу йил 15 фоиз камайган.

Пахта ва ғалла этиштириш учун сарфланаётган электр энергияси ҳамда сувни етказиб бериш харажатлари ҳам кўп. Хусусан, 2,5 миллион гектар майдонни суғориш учун 5 миңдан зиёд насослар ишлатилиб, йилга 8 миллиард киловатт-соат энергия ва 2,4 триллион сўм бюджет маблағлари сарфланмоқда. Бир гектар майдонга сувни насослар орқали етказиб бериш учун бюджетдан ўртача 800 миң сўм харажат қилинапти. Эгитлаб суғориш оқибатида йилга қарий 5-6 миллиард куб метр ёки 20 фоиз сув далада беҳуда сарфланмоқда.

Бундай шароитда сувни тежаш ва ҳисобини юритиш ҳар доимидан ҳам долзарб масалага айланган. Утган икки йилда Президент ва ҳукуматнинг шу соҳага доир 11 та қарори қабул қилиниб, ҳамма шароит яратиб берилди.

Лекин, йиғилишда таъкидланганидек, бажарилган ишлар ишончлиқ даражасида эмас. Масалан, шу пайт-

гача 285 миң гектар, яъни бор-йўғи 7 фоиз ерда сув тежовчи технологиялар жорий этилган. Бу борада, айниқса, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятларида қўлқилик бор. Фуқат, Бўка, Чиноз, Сардоба, Тахтақўпир, Қораўзақ, Касби, Қизилқум, Музрат туманларида сув тежовчи бирорта ҳам лойиҳа татиб қилинмаган.

Шу боис видеоселекторда сув ҳўжалигидаги ишлар Қўрақалпоғистон Республикаси, вилоят ва туманлар кесимида танқидий таҳлил қилиниб, ғалдаги муҳим вазифалар муҳокама этилди. Келгуси йилда сув тежовчи технологияларни жорий этишни 600 миң гектарга етказиш режа қилиб қўйилди. Бунинг учун Давлат бюджетидан зарур маблағ йўналтириш, ташаббускорлар харажатининг бир қисmini қоплаш учун субсидия бериш, шунингдек, халқро молия ташкилотлари ресурсларини жалб қилиб, саложиятлик фермер ҳўжаликлари ва кластерларга тижорат банклари орқали кредит ажратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Сув тежовчи технологиялар қамрови кенгайтилиши билан уларни ишлаб чиқаришга ҳам талаб ошади. Бироқ юртимизда шунга иктисослаштирилган

13 та қорхонанинг ярвати келгуси йил эҳтиёжининг ярмини қоплашга ҳам етмайди. Шу боис мутасаддиларга Самарқанд, Тошкент ва Наманган вилоятларида сув тежовчи технологиялар учун ускуналар ишлаб чиқарувчи қорхоналар ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Соҳадаги яна бир инновация — кластерлар 3 миң гектардан зиёд экин майдонини лазер ёрдамида текислаш орқали сув сарфини 20 — 25 фоиз, ўғитни 15 фоиз тежашга, ҳосилдорлиқни камида 10 фоиз оширишга эришган. Давлатимиз раҳбари бу тажрибани кенг қўллаб, пахта, ғалла ва шולי майдонларини лазер ёрдамида текислаш муҳимлигини таъкидлади. Молия вазирлигига ушбу технологияни жорий қилишга Қишлоқ ҳўжалиги жамғармасидан камида 250 миллиард сўм кредит ажратиш топширилди.

Жорий йилда Қўйи Чирчиқ, Нарпай, Булунгур, Сардоба, Нишон, Касби туманларида сув ҳўжалиги объектлари хусусий шериклик асосида тадбиркорларга берилиб, намунавий лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу орқали мазкур иншоотлар модернизация қилиниб, эксплуатация харажатлари ан-

чайин қисқаради. Йиғилишда бундай лойиҳаларни бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш бўйича топшириқ берилди.

Сув исрофига сабаб бўлаётган муаммолардан яна бири шуки, бугунги кунда 3 миңдан зиёд сув ўлчаш постларининг атиги 2 фоизи, 400 та йирик сув объектнинг 2,5 фоизидан бошқариш тизими автоматлаштирилган ҳолос. Шу боис Сув ҳўжалиги вазирлигига йил якунигача 150 та, келгуси йилдан барча ўлчаш постларида сувни онлайн режимда назорат қилувчи автоматлаштирилган тизим жорий этиш вазифаси юклатилди.

Маълумки, бу йилдан қишлоқ ҳўжалиги қорхоналарига сув солиғи бўйича берилган имтиёзлар бекор қилинди. Шу билан бирга, сувдан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоиз пасайтирилди. Президент ушбу қамайтирилган ставкани келгуси йилда ҳам сақлаб қолиш зарурлигини таъкидлади.

Суғориш мейёрларини ҳисоблаш методикасини БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО) талабларига мослаштириш, сув ҳисоблагичлар ўрнатган истеъмолчи-

ларни рағбатлантириш юзасидан вазифалар белгиланди.

“Ўзбекбалқисанот” уюшмасига коллектор суварларида балқичиларни ривожлантириш бўйича топшириқ берилди.

Наманган тажрибаси асосида гидрогеолог қўриқларини кенгайтириб, ер ости суварларидан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда сув ҳўжалиги соҳасида фан ва таълимни ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилди. Ирригация ва мелiorация объектларини барпо этиш ҳамда реконструкция қилиш чикаришга илмий ҳодимларни бириктириш муҳимлиги таъкидланди. Бу орқали фан намоёндалари объектларнинг лойиҳаолди ҳўжатларини тайёрлашдан уларни фойдаланишга топширишга бўлган жараёнларда қатнашиб, қурилиш ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиб боради. Фан ва амалиёт уйғунлиги таъминланиб, келгусидаги лойиҳалар пухта ишлаб чиқилишида қўл келади.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ва туман ҳокимлари ахборот берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ИШТИРОКИДА «ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ» ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси ижросини таъминлаш, Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқро жамғармаси билан ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, мақсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва қўшилган қиймат занжирини яратишни кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадини ошириш мақсидида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги “Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқро жамғармаси иштирокида “Қишлоқ ҳўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4021-сон қарорига асосан:

а) “Қишлоқ ҳўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳаси (кейинги ўринларда — Лойиҳа) доирасида 2020 йил 4 августда Ўзбекистон Республикаси ва Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқро жамғармаси ўртасида қўшимча 46,2 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит, шунингдек, 800 миң АҚШ доллари миқдоридagi грант маблағлари бўйича қарз битимининг (кейинги ўринларда — қарз битими) имзоланганлиги;

б) Лойиҳани амалга ошириш доирасида: Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқро жамғармасининг кредити ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ва транспорт воситалари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари), қўшилган қиймат солиғидан ва йиғимлардан;

иштирок этаётган жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари даромадлари жисмоний шахсларнинг даромадларидан олиннадиган солиқдан озод қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қарз битимига мувофиқ Лойиҳа доирасида жалб этиладиган қўшимча қарз маблағлари қуйидагиларга йўналтирилиши белгилансин:

қишлоқ ҳўжалигида диверсификация қилишни молиялаштириш бўйича кредит ажратиш учун — 39,8 миллион АҚШ доллари. Бунда кластер ва кооперациялар ҳамда уларга аъзо бўлган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга — 30,3 миллион АҚШ доллари, ёшлар ва аёллар учун — 5 миллион АҚШ доллари миқдорда, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 4,5 миллион АҚШ доллари миқдорда кредитлар ажратилади;

ирригация тизимларини модернизация қилиш учун — 3,1 миллион АҚШ доллари. Бунда ўрмон фонди ерларида тик қудуқ қазилар ва насос ўрнатиш орқали сув чикаришга 2 миллион АҚШ доллари сарфланади; қишлоқ ҳўжалигида билим, инновация ва агрохизматлар тизимини ривожлантириш бўйича — 4,1 миллион АҚШ доллари.

3. Қуйидагилар: “Қишлоқ ҳўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳаси техник-иқтисодий асосланувининг асосий кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

“Қишлоқ ҳўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасига жалб этиладиган қўшимча молиялаштириш доирасида Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқро жамғармасининг қарз маблағларини сўндириш, фоиз ва комиссия тўловларини амалга ошириш прогноз жадалви 2-иловага мувофиқ;

Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқро жамғармасининг “Қишлоқ ҳўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида маблағлардан фойдаланиш бўйича “Йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки: Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Лойиҳаниннг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини ҳамда натижадорлигини таъминлайди; Лойиҳада иштирок этувчи тижорат банклари зиммасига кредит линиясини бошқариш, Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқро жамғармаси қарзининг ўз вақтида ўзлаштирилиши ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек, сублоийҳаларни амалга ошириш бўйича ҳисобот ва мониторингнинг юритиш вазифалари юкланади.

(Давоми 2-бетда).

ПАНДЕМИЯНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ТАЪСИРИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА

Шу йилнинг 16-17 сентябрь кунлари мўлжалланган “Пандемиянинг Марказий Осиёга таъсири: илк сабоқлар, қоронанинқироз ва ўзгариш истиқболлари” мавзусидаги халқро илмий-амалий онлайн анжуман давом этапти.

Хамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетини ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур нуфузли форумда дунёнинг 20 га яқин давлатлардан таниқли парламент аъзолари, илмий доиралар вакиллари, нодавлат ташкилотлар ва тадқиқот марказлари мутасаддилари, Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллари, экспертлар қатнашапти.

Форум очилишида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева, Сенат Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев, Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси Абдуваҳаб Абдуваҳитов, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матильда Димовска, Марказий Осиё ва Кавказ институти асосчиси ва раиси Фредерик Старр (АҚШ) сўзга чиқди.

Халқро алоқалар, геосиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ соҳаларини қамраб олган анжуманда ҳозирги кунда давом этаётган пандемиянинг илк сабоқлари, юзага келган мазкур нуфузли форумда дунёнинг 20 га яқин давлатлардан таниқли парламент аъзолари, илмий доиралар вакиллари, нодавлат ташкилотлар ва тадқиқот марказлари мутасаддилари, Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллари, экспертлар қатнашапти.

Тадбир қатнашчилари томонидан Марказий Осиё мамлакатларининг тажрибасидан келиб чиқиб, пандемиядан олинган сабоқлар ва келажақ учун тавсиялар, ундан кейинги даврда пандемия салбий оқибатларини камайтириш, қоронавирусни енгиб ўтишда минтақавий ҳамкорликнинг стратегик истиқболлари, факулдада шароитларда кўп томонлама шериклик ҳамда халқро ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти каби долзарб масалалар ҳам кенг муҳокама қилинмоқда.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

СУВ ҲЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси сув ҳўжалиги вазирини ўринбосарининг шу йил 10 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Фармони ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотини эшитди.

Қўмита эшитишда таъкидланганидек, ўтган давр оралигида иқлим ўзгариши ва бошқа антропоген таъсири оқибатида Амударё, Сирдарё, Зарафшон каби йирик дарёлар шаклландиған музликлар ўртача 30 фоиз қисқариб, дарёларнинг сувлилик даражаси пасаймоқда.

Глобал иқлим ўзгариши, шунингдек, трансгеаравий сувдан фойдаланиш муаммолари тўғрисида йиллик олинаётган сув белгиланган лимитга нисбатан ўртача 20 фоиз қисқарган. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси 34 миллион кишидан ошди, аҳоли жон

бошига ўртача 1 500 м³ сув тўри келмоқда. 2030 йилгача аҳоли сони 39 миллион нафаргача кўпайиб, бу кўрсаткич 1 250 м³ га тушиб кетиши мумкин. Бундай шароитда республика аҳолисининг ичимлик сувга бўлган талаби 2,3 миллиард куб метрдан 3,0 миллиард куб метрга етиши кутилмоқда. Шунингдек, саноят ва энергетика соҳалари фаол ривожланиб, йиллик сув истеъмоли 1,9 миллиард куб метрдан 2030 йилга бориб 3,5 миллиард куб метрга етади.



ТОШКЕНТДА 2020 ЙИЛГИ «ЕВРОПА МОБИЛЬ ҲАФТАЛИГИ» БОШЛАНДИ

Тошкентда “Европа мобиль ҳафталиги”нинг видеоконференция шаклидаги иккинчи кампанияси ва “ROADPOL хавфсиз кунлари” ўз ишини бошлади.

«Халқ сўзи» учун махсус

Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Транспорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон велохамжиялар вакиллари билан ҳамкорликда Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси молиявий кўмағида ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари тадбирнинг ахборот ҳамкори сифатида қатнашмоқда.

2020 йилги “Европа мобиль ҳафталиги” атроф-муҳитга зарари чикиндиларни чикармастик, велосипедда ҳаракатланиш маданиятини ошириш ҳамда мактаб ўқувчилари ва ота-оналарнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича хабардорлигини оширишга қаратилган.

Тошкентда велосипедда ҳаракатланишнинг кенгайтирилиши қўллаб-қувватлаш мақсидида “Европа мобиль ҳафталиги” доирасида #ТошкентВелоУчун шiori остида велосипедда ҳаракатланишнинг афзалликлари ва қондаларини тушуниришда рақамли ҳамда ижтимоий медиа, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги анимацион постлардан фойдаланилади.

Бундан ташқари, болалар учун йўл ҳаракати хавфсизлиги борасида таълимнинг аҳамиятини кенг оммага етказиш кўзда тутилган. Бунда “Йўл ҳаракати хавфсизлиги” акцияси давомида ижтимоий тармоқларда шаҳар хавфсизлиги бўйича муҳим масалаларга бағишланган қатор видеороликлар намойиш этилади.

— Бугунги пандемия шароитида шаҳарларда велосипед, электроскутер ва электровелосипедларнинг тез ривожланаётган транспорт турларидан бирига айланиб бо-

раётганига гувоҳ бўляпмиз, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги транспорт бошқармаси бошлиғи Анвар Жўраев. — Бизнинг вазифамиз эса инфратузилмани ривожлантириш, пидеалар ҳамда велосипед йўлакларини қуриш, йўл ҳаракати иштирокчилари, жумладан, болаларнинг ҳаёти хавфсизлигини ошириш орқали ушбу ривожланишни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Дурдона Раҳимованиннг қайд этилишича, шаҳарда велосипед каби экологик тоза транспортларда ҳаракатланиш маданиятини янада ошириш пойтахт ҳокимлиги томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган иштироқлар, шунингдек, худуд инновациялар концепциясининг ажралмас қисмидир.

Таъкидланишича, ушбу стратегик ёндашув асосида 2023 йилга қадар Тошкент шаҳрида велосипед ва пидеалар йўлакларини сезиларли даражада кенгайтириш режалаштирилган. “Европа мобиль ҳафталиги”га қўшилиш орқали ҳам айна мақсадларни рўёбга чикариш кўзда тутилган.

— Сўнги бир ойда ҳамжамият аъзолари сонининг ортиши ва ижтимоий тармоқлардаги фаоллик — велосипедда ҳаракатланувчилар жамоасининг тез суърталар билан ўсиб бораётганига яна бир мисол, — дейди Ўзбекистон велосипед ҳамжамиятлари администратори Исқандар Аҳмедов.

— Ўзбекистонда хавфсиз ва барқарор ҳисобланган велосипедда ҳаракатланиш маданиятини тарғиб қилувчи асосий

фуқаролик жамияти вакили сифатида ҳукумат ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари билан доимий мулоқот олиб борамиз. Тошкентнинг велосипедчиларни бирлаштирадиган дўст шаҳарга айланмишига ишонувчи фаол тарафдорларни қорлаб қоламиз.

Ўз навбатида, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги Муваққат ишлари вакили Юсси Нарвининг билдиришича, велосипеднинг инсонлар ва жамоалар саломатлиги учун фойдаси ҳамда ҳаёт сифатини таъминлашдаги аҳамияти, атроф-муҳитга ижобий таъсири, ижтимоий барқарорлик ва транспорт ҳаракатини камайтириши Европанинг йирик шаҳарларида экологик тоза транспортнинг тарқалишига оммалашиб боришига туртки бўлган омиллардандир. Ўзбекистонда бу йил ҳам “Европа мобиль ҳафталиги”нинг ўтказилаётгани велосипедда ҳаракатланиш, хавфсиз ҳамда барқарор шаҳар муҳити тўғрисида умумий тасаввур яратиш учун ҳукумат билан фуқаролик жамияти вакиллари ўртасида ҳамкорлик, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ва фикр алмашишнинг ажойиб намунаси.

“Велосипедда ҳаракатланишнинг энди ўрганаётганлар, пидеалар, хусусан, болаларнинг хавфсизлик ва қондалар ҳақидаги билиминини мустаҳкамлаш ушбу жараённинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Биз Европанинг энг яхши тажрибаси билан ўртоқлашмоқчи орқали ушбу жараёнда ёрдам беришга тайёрмиз”, деди Юсси Нарви.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, “Европа мобиль ҳафталиги” 2002 йилда бошланган Европа Комиссияси ташаббусидир. 2019 йилда кампанияда дунёнинг 3 миңдан зиёд шаҳарлари, жумладан, илк бор Тошкент шаҳри ҳам қатнашди.

Ҳафталик 22 сентябрга қадар давом этади, унинг доирасида қатор тадбирлар ўтказилади.

«Дунё» АА.

МАКТАБЛАР ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАЙЁР?

Янги ўқув йили бошланди. Шу ўринда ҳақиқат савол туғилади, ҳозирги пандемия шароитида мактабларимиз ўқув йилига қай даражада тайёр? Табиийки, ушбу масала барча ота-она, ўқувчи ва ўқувчиларни, умуман, ҳар бир юртдошимизни қизиқтиради. Сенаторлар ҳам мазкур масалага ўта масъулият билан ёндашмоқда.

Ўрганиш ва таҳлил

Айтиш жоизки, пандемия давом этаётганига қарамастан, юртимизда янги ўқув йилига таълим сифатини юқори даражада таъминлашга жиддий эътибор қаратилди.

Хусусан, эпидемиологик вазият яхши бўлган айрим ҳудудларда таълим тарихисидан мактаблар очилди. Бу борадаги яқини қарор халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан ўрганилиб, сўнгра қабул қилиниши белгиланган. Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳам ушбу жараёнда фаол иштирок этаётди. Жойларда улар томонидан умумтаълим муассасаларида карантин талабларига мос шарт-ша-

роит мавжудлиги ўрганилмоқда. Яқинда сенатор Нусуратулло Пардаев Зомин туманидаги мактабларнинг янги ўқув йилига тайёрлик даражасини ўрганиб чиқди. Шу жараёнда тумандаги “Туркман” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 21, 19, “Истиклол” қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 22, 3-умумтаълим мактабларидаги шароитлар таҳлил қилиниб, тегишли тавсиялар берилди.

Н. Пардаевнинг фикрича, бундай мураккаб вазиятда ўқув йилини бошлаш барчамиздан катта масъулият талаб этади. Ўқув дарсликларини бошлаётган ҳар бир мак-



«Халқ сўзи».

Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ИШТИРОКИДА «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ» ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

5. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг 35 325 000 АҚШ доллари миқдоридagi қарз маблағларининг қайтарилиши тўлиқлигича Лойиҳа доирасида тижорат банкларига қайта кредитланадиган маблағларнинг қайтарилиши ҳисобидан ҳамда қолган 10 875 000 АҚШ доллари миқдоридagi қарз маблағларининг қайтарилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан амалга оширилади.

6. Лойиҳа доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг қарз маблағларини қайта кредитлаш битимларида субсидия қарзиниғ физ ставкаси "Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш" лойиҳаси доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси қарз маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан белгилансин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига бир ой муддатда "Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш" лойиҳасига жалб этиладиган қўшимча молиялаштириш маблағлари доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси қарз маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш ҳамда Молия вазирлиги ва Марказий банкка тасдиқлаш учун киритиш вазифаси юклатилсин.

8. Молия вазирлиги Лойиҳа доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси қарз маблағлари бўйича қайта молиялаштириш битимларини, шунингдек, заруриятга қўра, уларга тегишли ўзгартиришларни имлолаш ваколати берилсин.

9. Ташқи ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бюортномалари бўйича Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кириш визалари тез фурсатларда расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Ички ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бюортномалари бўйича Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга қўра марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида

вақтинча рўйхатга қўйилиши ва муддати узайтирилишини тез фурсатларда таъминласин.

11. Ҳисоб палатаси Лойиҳа доирасидаги маблағларнинг мақсадли ақратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб бурсин.

12. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Лойиҳа доирасида ақратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш устидан доимий назорат ўрнатсин.

13. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ж.Ҳоджаев:

бир ҳафта муддатда масъул ижроичилар иштирокида мажлис ўтказиб, уларнинг аниқ вазифаларини белгилаб берсин;

иқки ҳафта муддатда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда Лойиҳа доирасида маблағлардан фойдаланиш бўйича ҳудудлар кесимида "Йўл харитаси" ларини тасдиқласин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Молия вазирлиги (Эргашев), Марказий банк (Холжужаев) билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳани амалга оширишга масъул бўлган ходимлар учун хорижий консултантларни жалб қилган ҳолда иқки кунлик семинар ташкил қилсин;

молиялаштирилган сублоийҳалар тўғрисида, шунингдек, уларнинг сифати амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб бурсин;

б) Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари бир ой муддатда Лойиҳа доирасида амалга оширилмаган чора-тадбирлар юзасидан ташаббускорлар иштирокида тақдиротлар ўтказсин;

в) қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ж.Ҳоджаев: Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида соҳанинг етук маҳаллий мутахассисларидан иборат бўлган илмий-техник кенгашни шакллантириб, у томонидан Лойиҳанинг компонентлари доирасидаги техник топшириқлар

амалга оширилиши, ҳужжатларнинг қўриб чиқилиши ва дастлабки ҳулоса берилишини;

қишлоқ хўжалигида билим, инновациялар ва агрохизматлар тизими доирасида илмий тадқиқот ва инновация йўналишларига маблағларни ажратишда соҳани ривожлантиришнинг устувор вазифаларига мувофиқлиги, иқтисодий самарадорлиги ва асосланганлигига алоҳида эътибор қаратилишини;

Лойиҳани амалга оширишда қишлоқ хўжалигига маъсул бўлган олий таълим муассасаларини кенг жалб қилиб, амалий семинар ва ўқув курслари ташкил этилишини;

Лойиҳа доирасида иқтисод қилинган маблағларни молиялаштиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси билан келишган ҳолда қайта тақсимланишини таъминласин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, зарур ҳолларда, ушбу қарорнинг 1 ва 3-иловалари билан тасдиқланган Лойиҳа техник-иқтисодий асосланган асосий кўрсаткичлари ҳамда "Йўл харитаси"га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги "Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида "Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4021-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А.Қўқоров ва Ҳ.И.Барноев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 15 сентябрь

ПАНДЕМИЯНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ТАЪСИРИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА

Бу борада Ўзбекистон таърибаси ва халқаро ташаббуслари ҳақида сўз юритиларкан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг: "Ҳозирги мураккаб вазиятда биз учун гоят муҳим иккита вазифани самарали ҳал этиш — энг долзарб заруратга айланмоқда. Яъни биз аҳолимизнинг соғлиги ва ҳаётини асраш, шу билан бирга, иқтисодиётимизни тиклаш, одамларга ишлаб даромад топиши учун шароит яратиш бериш муаммосини бир пайванди ўзида ҳал этмоқдамиз", деган сўзлари мамлакатимизнинг ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлари мазмунини тўлиқ акс эттирганлиги таъкидланди.

Ҳусусан, пандемия даврида Ўзбекистонда амалга оширилган Миллий ҳаракатлар дастури мавжуд бўлмаган ресурсларни сафарбар этиш, Ҳукумат ва фуқаролик жамиятининг қучларини бирлаштириш имконини бермоқда. Бунда, айниқса, пандемиянинг иқтисодиётга таъсирини юмшатишга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, бизнесга қўшимча тарихида умумий ҳажми 4,8 миллиард доллардан ортиқ ёрдам чоралари амалга оширилгани бунинг яққол далилидир.

— Халқаро илмий-амалий конференция ҳозирги пандемия шароитида нима қилишимиз зарурлиги, келгусида яна шундай умиминсоний офатлар рўй берган тақдирда қандай йўл тутишимиз кераклиги каби долзарб масалаларни атрофича кенгашиб олишимиз учун имконият бўлди, — дейди Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев. — Маълумки, ҳозирги пайтда пандемиядан жяхон иқтисодиёти ҳам жиддий зарар кўрмоқда. Халқаро ташкилотлар таҳминларига қўра, қатор давлатларда нафақат иқтисодий ўсиш пасаяди, балки минусга ўтиб кетиш эҳтимоли ҳам юқори.

Ушбу, пандемиядан чиқарилган сабоқлар нималардан иборат? Аввало, бу бутун инсониятни жипслаштириш, ундан тўғри ҳулоса чиқариб, қўлини қўлга бериб "қўринмас ёв"га қарши биргаликда курашишга ўргатиш. Эътиборлиши, бу тутум Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ҳамда жуда ҳам муҳимдир. Яъни охири йилларда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда олиб бораётган сиёсати туфайли минтақамизда мутлақо янги мундир шаклланди, бу анжуман иштирокчилари томонидан алоҳида айтиб ўтилди. Ана шу минтақавий ҳамкорлик пан-демияга қарши кураш бобида ҳам қўра яққол ташлиниб турибди. Шунингдек, анжуманда халқаро эксперт ва мутахассислар томонидан бир қатор

тавсиялар берилдики, бу коронавирусга қарши курашишда қўла келадиган, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур конференциянинг қиммати шундаки, унда билдирилган тавсиялар нуфузли анжуман якуний ҳужжатига ҳам акс эттирилди ҳамда бу келгусидаги фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Халқаро анжуманда эътироф этилганидек, Ўзбекистон пандемия билан боғлиқ воқеалар ўта ноҳус ривожланишининг олдини олишга муваффақ бўлди ҳамда COVID-19дан ўлим ҳолатлари бўйича дунёда энг паст кўрсаткични таъминлади. Ўзбекистон ҳукумати томонидан 11 та хорижий давлатга йирик ҳажмида инсонпарварлик ёрдамлари ҳам кўрсатилди. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби нуфузли молия ташкилотлари дунёдаги саноқли давлатлар қаторида юртимизда иқтисодиёт пасайишига йўл қўйилмаганини таъкидлаб, келгусида сезиларли ўсиш кутилаётганини қайд этмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда изчил амалга оширилган ислохотлар туфайли мамлакатимиз бу инкирозга муваффақиятли қарши туриб, унинг оқибатларини энг би раётгани форумда иштирокчилар томонидан айтиб ўтилди.

Инкироз шароитида ҳар бир давлат дуч келаётган муаммоларни ҳал этишда, жумладан, фуқароларни ўз юртига қайтариш, транспорт йўлакларини тиклаш, гуманитар қўлаб-қувватлашда Марказий Осиё мамлакатларининг бир-бирига қўраётган амалий ёрдами ибратли мисол сифатида келтирилди.

Пандемия туфайли юзага келган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни энг би ўттишда давлатлар ўртасида ўзаро таъриб аламиш ва ҳамкорлик йўлга қўйилганлигига ҳам алоҳида ургу берилди.

Шунингдек, халқаро форумда коронавирусни энг би бобида минтақавий ҳамкорликнинг стратегик истиқболли масаласи ҳам батафсил қўриб чиқилмоқда. Марказий Осиё давлатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларда қўра томонлама алоқаларни кучайтириш, давлатлар миллий манфаатларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш ҳамда ҳамкорликнинг янги йўналишларини янада ривожлантириш масалалари шулар жўмласидандир.

Форум якунида иштирокчилар билдирган тақлиф ва тавсиялар унинг натижалари бўйича қабул қилинган резолюцияда умумлаштирилиши қўра тутилган.

Халқаро конференция бугун ҳам ўз ишини давом эттиради.

«Халқ сўзи».

ТАРБИЯ ҲАММАМИЗ УЧУН МУҲИМ ФАНГА АЙЛаниШИ КЕРАК

Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Ҳозирги шиддатли даврда бу вазифаларга бефарқ қарашга ҳаққимиз йўқ. Президентимиз мамлакатимизда мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ушбу фикр асосида улкан тарихий мақсад муқамас эканини барчамиз англаб етишимиз керак.

Мушоҳада

Президентимиз Ўзбекистонни буюк давлатлар қаторига қўтариш учун халқни сафарбар қилди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун фикрлаши, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгача бўлган янги авлодни тарбиялаш, таълим-тарбия бериш вазифаси юзага чиқди. Мамлакатимизда қисқа давр ичида амалга оширилган ишлар, хусусан, мактаб-гача таълим, умумий ўрта-таълим, олий таълимдаги ислохотлар янги авлодни тарбиялаш асосларини мустаҳкамламоқда.

Тарихий даврда жамиятда ижтимоий бирдамлик ҳиссини мустаҳкамлаш, халқимиз турмушини ҳар томонлама юксалтиришга хизмат қилмайдиган эрга юғлар атрофида ёш авлодни бирлаштириш ташаббусларини олдида турган энг долзарб масалалардан бири, деб ўйлайман. Албатта, бу ўз-ўзидан амалга ошириб қолмайди, тизим керак.

Шунинг учун Улуғқис маънавий тарбия концепцияси доирасида умумтаълим мактабларидан биринчи марта тарбия фани жорий этилмоқда. Аввало айтиш керак, бу фан бошқа фанлардан қўра жихатдан

фарқ қилади. Бутун мамлакат мактабларида мазкур фан бўйича самарали натижаларга эришиш осон эмас, албатта. Олдимизда ҳали жуда катта ташкилий, услубий ишларни амалга ошириш вазифаси турибди.

Биринчидан, янги Ренессансга мос авлод бўлиш учун ёшлар қандай хислатларни ўзида муқамас этиши кераклиги ҳақида чуқур ўйлашимиз, ундан кейин таълим-тарбияни шунга йўналтиришимиз лозим.

Иккинчидан, бугун замон шундай ўзгаряптики, тараққиётнинг юқори даражасига чиқиш учун илгор технологиялар, нанотехнологиялар билан шуғулланадиган, дунёга татийдиган кашфиётлар қила оладиган авлодни воғга етказиш талаб этилади. Бунинг учун, ўйлашим-ча, биз нафақат ёшларга, шу билан бирга, ўзимизга бўлган муносабатни ҳам ўзгартиришимиз, эски қўнимлар таъсиридан чиқиб, янги кадрларга, янги қақрувларга мослашимиз зарур. Энг асосийси, бунга жуда шарафли ва буюк масала, деб қарашимиз керак.

Учинчидан, янги авлодни воғга етказишда, таълим-тарбия беришда энг масъулоти вазифа ўқитувчи ва педагогларимиз зиммасида турибди, деб ўйлайман.

Қандай таълим-тарбия усули танланади? Тарбия фани қайси фанлар билан узвийлашади, қайси мавзуларга қўра эътибор қаратиш керак? Бугунги замони ривожлантирадиган фанлар, қандай кадрлар билан уйғун бўлиши лозим, деган муҳим саволларга эътибор қаратиш мақсада мувофиқ бўларди. Агар ўқитувчи ва педагогларнинг янги тарбия фанини ўқитишга малака ҳамда қўнимларини оширмасак, уларни руҳан тайёрламасак, фан дастури ўз самарасини бериши қийин кеади.

Янги ўқув йили бошланди. Таълим-тарбия ҳамжиҳатлиқда, ҳамкорликда олиб бориладиган жараён. Бу ерда ўқитувчи-мураббийнинг алоҳида, ота-онанинг алоҳида ўрни ва албатта, жамоатчиликнинг алоҳида ҳамкорлиқдаги вазифалари бор. Шу жихатдан қарасак, демок, тарбия фанининг ўқитилиши, самарадорлиги масаласи умумхалқ иши даражасига қўтарилиши зарур. Ўзбекистон келажиги бўлган азиз фарзандларимиз истиқбол учун астойдил ва ҳамкорликда ишлашимиз керак, деган маънавий талабни ҳаммамиз ўзимизга қатъий вазифа сифатида белгиласак, эзгу мақсадларимизга эришамиз.

Улуғбек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари.

Илмий фаолият: МУАММОЛАР САБАБ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИГА СЎРОВ ЮБОРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан мамлакатимизда илмий фаолиятни ривожлантириш учун қўрилаган чоралар ҳолати ўрганилди. Сўнгги йилларда илмий фаолиятни тартибга солувчи "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги Қўнун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 та қарори ва Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 40 дан зиёд қарорлари қабул қилинган.

Сенатор талқини

Уларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида олиб борилган ижобий ишларга қарамасдан, соҳада қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновация ривожлантириш стратегиясида белгиланган айрим вазифалар бажарилмапти.

Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида сенаторлар мамлакатимизда илмий фаолиятни ривожлантириш учун қўрилаган чоралар ҳолати тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровини юборишга қарор қилишди.

Бунга соҳада олиб борилаётган ишларнинг амалий таҳлили, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ўрганиш натижалари сабаб бўлди. Афууски, уларнинг кўрсаткичи ханузгача пастлигича, яъни 37 фоизлигича қолмоқда.

Докторантлар билан ишлаш, улар томонидан олиб борилаётган ишлар-

ни мониторинг қилиш, химояга ўз вақтида чиқишини таъминлаш ишлари ҳам ўз холига ташлаб қўйилган.

Хусусан, сўнгги уч йилда бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган таянч докторантура изланувчиларнинг 250 нафари, докторантура изланувчиларининг 73 нафари, умумий ҳисобда 37 фоизи докторлик диссертациясини химоя қила олмаган. Ачинарлиси, уларнинг 35 фоизини ёшлар ташкил этади.

Ёшларни докторантура ва малака ошириш дастурлари бўйича ривожланган мамлакатларнинг етакчи таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида таълим олишини уюштириш ҳам талаб даражасида эмас. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан хорижа таълим олиш учун юборилаётган номзодлар орасида ёш профессор-ўқитувчиларнинг улуши бир фоизни ҳам ташкил қилмапти. Жамғарма томонидан эълон қилинадиган танлов


шартлари мураккаблигича қолмоқда. Олий таълим муассасаларида бакалаврият ва магистратурада таҳсил олаётганлар илмий фаолият олиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар ҳамда рағбатлантириш механизмларининг етарли эмаслиги натижасида 2019 йилда ўқини битирган магистрларнинг атиги 282 нафари, яъни 6 фоизи илмий фаолиятни давом эттирмоқда.

Бугунги кунда грантлар асосида амалга оширилаётган 684 та илмий лойиҳанинг 59,5 фоизи давлат томонидан, 40,5 фоизи халқаро ташкилотлар ҳисобидан молиялаштирилаётгани аниқланди. Шундай бўлсада, амалга оширилаётган илмий лойиҳаларнинг натижадорлиги пастлигича қолмоқда.

Таҳлилларга қўра, "такомиллаштириш", "ривожлантириш", "ўрганиш", "ёндашув ишлаб чиқиш", "баҳолаш" каби аниқ якуний натижа, маҳсулот олиш имконини бермайдиган илмий лойиҳалар қўлаб-қувватланмоқда. Айрим лойиҳалар самарасиз якунланмоқда. Хусусан, 2019 йилда биргина соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бажарилиши 1 та фундаментал ва 4 та амалий лойиҳа самарасиз, деб топилган. Ваҳоланки, ушбу лойиҳалар учун 1 миллиард 108,5 миллион сўм бюджет маблағи сарфланган.

Ҳар бир лойиҳани молиялаштириш

СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ



Бундан кўра, иқтисодиёт тармоқларини сув билан таъминлаш учун қишлоқ хўжалигига ажратилган сувининг улуши камаяди. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида сув хўжалигини 2030 йилгача ривожлантиришнинг 11 та устувор йўналишини белгиланган. Ушбу устувор йўналишларни амалга ошириш орқали мамлакатимизнинг барча иқтисодиёт тармоқини сув билан кафолатли таъминлаб, сув хавфсизлигига эришиш қўрада тутилган.



Кайд этилганидек, концепцияга мувофиқ ривожланган давлатларнинг илгор таърибидан келиб чиқиб, сувини етказиб бериш борасидаги давлат харажатларини истемолчилар томонидан қоллаш механизмлари босқичма-босқич жорий қилинади, сув хўжалиги соҳаси учун малакали кадрларни тайёрлаш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантириш чоралари қўрилади.

Концепциянинг устувор йўналишлари ҳамда тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлари ва кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ҳар уч йилда тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантириш стратегиялари босқичма-босқич амалга оширилади. Фармоннинг "Йўл харитаси"га асосан Сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг дастлабки 3 йиллик

стратегияси ишлаб чиқилган. Стратегиянинг дастлабки лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ҳамда маҳаллий экспертлар иштирокида видеоконференция қўришида муҳокама қилиниб, тегишли тақлиф ва мулоҳазалар асосида қайта қўриб чиқилмоқда.

Тадбирда депутатлар сув хўжалигида уч йил ичида барча нуқталарни онлайн маълумот узатиш қўрилмалари билан жиҳозлаш ҳамда сувини тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан ҳам қизиқдилар.

Қўмита ашшутувда депутатлар ақсарият сув хўжалиги объектларидан 50 — 60 йилдан буён фойдаланиб келинаётганлиги сабабли, уларнинг техник ҳолати талабга жавоб бермаслиги, сувининг 35 — 40 фоизи суғориш тармоқларида йўқотилаётганини ҳисобга олиб, уларни бартараф этиш бўйича вазирликка ўзларининг тақлифларини бердилар.

Яқунда муҳокама этилган масала юзасидан қўмита ва вазирликнинг ўзаро ҳамкорликда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалари белгилаб олинди ҳамда қўмитанинг тақлиф ва тавсиялари акс этган тегишли қарори қабул қилинди.

ВЕНА КОНВЕНЦИЯСИ ВА МОНРЕАЛЬ ПРОТОКОЛИ ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қўнунчилик палатасида Халқаро озон қатламни химоя қилиш кўнига бағишланган видеомулоқот тарзида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, Гидрометеорология хизмати маркази, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари ҳамда экспертлари, ўзФА ва ОАВ вакиллари қатнашди.

Тадбир иштирокчилари озон қатламини емирувчи моддалар — хлорфторуглерод тутган бирикмалар ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши оқибатида, ўтган асрнинг 80-йиллари охирига келиб, озон қатламини емирилиши натижасида "Озон дарчалари" ҳосил бўлиб, унинг химоя функциялари сувайганлигини қайд этдилди.

1985 йилда Озон қатламини химоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси қабул қилинган озон муаммосини ҳал этиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларнинг аниқ механизми бўлди. Мазкур конвенция доирасида илмий тадқиқотларни ўтказишда халқаро ҳамкорлик, озон қатламини тизимли мониторинг қилиш, озонни емирувчи моддалар — хлорфторуглеродли бирикмаларнинг ишлаб чиқарилиши мониторинги ва ахборот алмашишуви қўзғалган. Унда, шунингдек, келгуси йилларга мўлжалланган протоколлар ҳамда тузатишлар киритиш йўллари ҳам белгиланган.

Илмий тадқиқотлар давоми

Акс садо

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР БОРАСИДА АНИҚ МАҚСАДЛАРИМ БОР

"Мен нима учун сирдарёлик қизимизга фан доктори унвонини бердим? Чунки унинг кўзида нур, эртанги кунга ишончини кўрдим. Бундай қизлар юртимизда кам эмас".

Президентимизнинг менга ва мен орқали юртимиз хотин-қизларига, ёшларга билдирган бу юксак эътиборидан чексиз мамнуният билан бирга, катта масъулиятни ҳам ҳис этдим. Ушбу эътибор мамлакатимизда гендер тенглик борасида олиб борилаётган кенг қўлланма ишларнинг ҳаётий намунаси.

Рости, Сардоба сув омборида юз берган техноген ҳодиса туфайли кўп йиллик меҳнатим — илмий тадқиқот ишимдан айрилганимда, дунёдаги энг азиз нарсамни йўқотгандек бўлгандим. Аммо бу дилхуфтонлик узоққа чўзилмади.

Давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташрифи чоғида менга катта ишонч билдирди, тез орада педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олдим.

Ўзим оддий оилада униб ўсганман. Аввал қишлоқ мактабда, сўнгра педагогика коллежи ва институтда тахсил олдим. Талабалгимда Навоий номидаги давлат стипендияси соҳибаси бўлдим. Ўқиш билан бирга "Бошланғич синф ўқувчиларини миллий тарбиялашнинг педагогик асослари" мавзусида тадқиқот олиб бориб, йигирмадан ортиқ мақолалар ҳамда тезислар, иккита ўқув-ўқувчи қўлланма нашр қилдириб, институтни аъло даражадаги диплом билан тамомладим.

Сўнг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети магистратура таълим босқичига имтиёзли асосда ўқишга қабул қилиндим ва уни 2017 йилда аъло баҳоларга тамомлаб, шу йилдан "Педагогика назарияси. Педагогик таълим тарихи" йўналишида таянч докторантурада ўқий бошладим. Тадқиқот мавзуси — "Бошланғич синф ўқувчиларини инновацион ёндашув асосида миллий тарбиялашнинг педагогик асослари тақомиллаштириш" доирасида ўқидан ортиқ мақолалар ҳамда тезислар чоп эттирдим.

Педагогика фанлари доктори, профессор Барно Абдуллаева раҳбарлигида илмий тадқиқот иши юзасидан республиканинг турли ҳудудларида 1500 дан зиёд респондентларда таҳриба-сано ҳақида ва олинган натижалар асосида ўқитишда таълим ресурсларини бойитишга хизмат қилувчи янги таълимий ўйинлар ишлаб чиқдим.

Хозир ўзим тахсил олган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Бошланғич таълим педагогика кафедрасида меҳнат қиляпман. Айни пайтда ҳамкасбларим ва устозларим билан биргаликда янги ўқув йилини онлайн шаклда, биринчи курс талабаларини кредит-модуль тизимида янги ёндашув асосида ўқитиш сифатини оширишга қаратилган таълим ресурсларини бойитиш, махсус платформага олинган маълумотларни киритиш, янги масофавий таълим сифатини ошириш ҳаракатидамиз.

Шу билан бирга, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентида ҳам фаолият бошладим.

Албатта, навбатдаги илмий тадқиқот борасида ҳам аниқ мақсадим бор. Галдаги изланишларимни ўқув дастурига янги киритилган тарбия фани учун электрон ресурслар яратишга қаратганман.

Президентимиз билдирган ишончдан сўнг ўзимда яна бир бор масъулиятни чуқур ҳис этиб, илмга иштиёқманд қизларни хар томонлама қўллаб-қувватлашни ниёт қилдим. Зеро, Юртбошимиз айтганидек, мамлакатимизда бундай замондош хотин-қизларимиз кўп.

Қамолaxon АБРОХОНОВА, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кафедра мудири, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

ОИЛА БУТУН БЎЛИШИДАН, ОЗОДЛИК ШУКУҲИДАН ОРТИҚ БАХТ ОЛАМДА ЙЎҚ!

Ҳаёт мураккаб. Инсон ҳаёти давомида гоҳида билиб-билмай хатога йўл қўяди. Муҳими, ана шу эврилишлардан тўғри хулоса чиқариш, уни такрорламаслик учун ўзида матонат, куч ва ирода топа олишдир. Менда бундай ирода хатоларимни англаб еганимдан сўнг пайдо бўлди, десам, хато эмас. Ўз навбатида, жазо муддатини ўтаётган пайтимда давлатимиз томонидан яқинларимга кўрсатилган эътибор ҳам бунга сабаб бўлди.

Бағрикенглик

Мен Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида истиқомат қиламан. Илмсизлигим ҳамда эътиборсизлигим оқибатида ҳаётимдаги катта хатолардан бирига йўл қўйиб, 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 159-моддаси 1-қисми билан 4 йилга озодликдан маҳрум этилдим.

Жазо тайинланган кунга қадр, йўл қўйган хатоларимни чуқур мушоҳада қилдим, оилам ҳамда яқинларимни ноқулай ҳолатга солиб қўйганлигимни тушуниб етдим. Лекин афсуски, жиноят содир этиб бўлинган, жазо ҳам муқаррар эканини билардим. Белгиланган жазо муддатининг маълум қисмини ҳам ўтадим...

Қамокдалик пайтимда мамлакатимизда ҳар бир инсон эътиборда эканлиги, фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилаш, фаровон ҳаёт кечиришлари учун давлат томонидан барча имконият ишга солинаётганини оилам, фарзандларим мисолида кўрдим. Улар жиноятчининг фарзанди сифатида ажратиб қўйилмади, аксинча, ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди.

Қамокнинг бир кунини ҳам кўп. Панжара ортида шуни англадимки, инсон чин кўнгилдан пушаймонлигини ҳис қилган вақтдан эътиборан ўз яқинлари ҳақида қайғуришни бошлади

экан. Ўзинг қилган хатони фарзандларинг, яқинларинг, дўстларинг ва умуман, ҳеч бир инсон такрорламаслигини чин юракдан истар

Яратганга шукр, шу йил жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги орафосида "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонга асосан жазо муддатидан аввал озод қилиндим.

экансан. Жазо муддатини ўташни бошлаган илк кунлардан менга тинчлик бермаган ўй ҳам, айнан, шу каби ички руҳий кечинмалар бўлди.

Юртимизда жиноят йўлига кириб қолган, бироқ ўз қилмишининг қонунга хилофлигини англаб, тузалишга қатъий аҳд қилган фуқароларга ўз оиласи ва жамиятга қайтиши учун имконият берилмоқда.

Яратганга шукр, шу йил жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги орафосида "Озодликдан маҳрум этиш жазосини

ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонга асосан жазо муддатидан аввал озод қилиндим.

Кўрсатилган бу ғамқўрлик қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган мендек инсонга гўё қанот бағишладди, янги ҳаёт бошлашимга катта туртки бўлди.

Ўз кечинмаларимдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, инсон ҳаёти хатолардан иборат бўлса-да, уни тўғрилаш ҳамда бартараф этиш учун имконият берилиши жуда муҳим экан. Бунинг олдидики чиқиб, эл қорига яраётган, жамиятда ўз ўрнини топаётган инсонлар мисолида яққол кўриш мумкин. Менинг ҳам мақсадим аслида, шу. Юртбошимиз ишончини ҳалол меҳнатим билан оқлайман, деб ўзимга ўзим сўз бердим.

Мени маҳаллаимизда кўни-кўншилилар, фуқаролар йиғини фаоллари, маҳаллий ҳокимлик вакиллари ва бошқалар қутиб олди. Эндиги ҳаётимни қандай давом эттиришим, соғлигимни тиклашим, қаерда ишлашим каби масалалар биргаликда муҳокама этилди...

Орадан кўп ўтмай, Олмазор тумани ҳокимлигининг кўмаги билан тадбиркорлик йўлга қўйдим. Ҳозирги кунда бир қанча ниятларимни амалга ошириш устида жадал иш олиб борапман.

Сўзим якунида шуни айтмоқчиманки, дунёда оила бутун бўлишидан, озодлик шукухидан ортиқ бахт йўқ! Бундан буён ўзимга билдирилган ишончини оқлаб, ҳалол меҳнатим билан жамиятда ўз ўрнини топаман.

Жамолиддин ҚОСИМОВ, Олмазор тумани

ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ ИНСТИТУТЛАРИГА 2021 ЙИЛ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (PhD)

- 05.02.03 — Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника — 2 та ўрин ва робототехника тизимлари.
05.06.02 — Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга дастлабки ишлов бериш — 11 та ўрин.
05.06.03 — Тери, мўйна, пойабзал ва тери галантерея буюмлари технологияси — 2 та ўрин.
05.06.04 — Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни — 1 та ўрин.

ДОКТОРАНТУРА (DSc)

- 05.06.02 — Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга дастлабки ишлов бериш — 1 та ўрин.

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (PhD) ва ДОКТОРАНТУРА (DSc)га талабгорлар http://phd.mininnovation.uz/ сайти орқали онлайн тарзда рўйхатдан ўтади ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ариза;
• қисқача биографик маълумотнома;
• меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
• олий маълумот, фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси (DSc га талабгорлар учун);
• олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси (PhD)га талабгорлар учун);
• нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади (PhD)га талабгорлар учун);
• паспорт нусхаси;
• IELTS гувоҳнома нусхаси (PhDга талабгорлар учун).

Таянч докторантурага талабгорлар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширади: — мутахассислик; — чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил). Ҳужжатларни онлайн рўйхатдан ўтказиш тартиби билан http://phd.mininnovation.uz/ сайтидаги йўриқнома орқали танишиш мумкин. Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2020 йилнинг 15 октябригача.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шохжаҳон кўчаси, 5-уй, Тошкент тўқимачилик ва енгил сааноат институтининг 1-биноси, 514-хона, тел.: 71-253-26-89, 71-253-08-08.

БАЛИҚ МАҲСУЛОТИ САНОАТ УСУЛИДА ҚАЙТА ИШЛанаДИ



Балиқ ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар инсон организми учун нихоятда фойдали. Лекин мамлакатимизда мавжуд балиқчилик хўжаликлари аҳолининг "луқман ҳалол"га бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлай олапти, дея олмаймиз. Шу боис мамлакатимизда аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, уни етиштиришда саноат усулидан фойдаланиш, маҳсулотни чуқур қайта ишлаган ҳолда, ички бозор ҳамда экспортга йўналтириш юзасидан қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Балиқ етиштириш билан шуғullanувчи қорхоналар учун яратиб берилаётган имкониятлар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ўзининг ижобий самарасини бераётир.

Изланиш

Президентимизнинг 2020 йил 29 августдаги "Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори балиқ маҳсулотини саноат усулида етиштириш, қайта ишлашда тармоқ қорхоналари учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Унга кўра, балиқ маҳсулотини етиштириш билан шуғullanувчи қишлоқ хўжалиги қорхоналари сув истеъмоли учун тўланадиган солиқ турларидан имтиёзлар берилмоқда.

Самарқанд вилоятида аҳолини сифати ва арзон парҳез маҳсулот билан таъминлаш, унинг турини кўпайтириш, четдан келтириладиган балиқ чавоқларини маҳаллий усулда етиштириш юзасидан ибратли ишлар амалга ошириляпти.

"Узагроинспекция"нинг Самарқанд вилояти бошқармаси матбуот хизмати маълумотига кўра, бугунги кунда вилоятда 458 та балиқчилик хўжалиги мавжуд бўлиб, уларга 8 минг 972 гектар сувли майдонлар ажратилган, шундан 7 минг 493 гектари табиий ва 1 минг 479 гектари сунъий сув хавзалари ҳисобланади.

Жорий йилда вилоят бўйича 30 минг тонна балиқ етиштириш, 45 миллиард 445 миллион сўмлик 30 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, айни вақтда 3 та лойиҳа ишга туширилиши аҳолига 8 та янги иш ўрни яратилган.

Жумладан, Самарқанд туманидаги "AGRO LINE SB" кўп тармоқли фермер хўжа-

лиги қошида 11 гектар ер майдонида 35X5 ҳажмдаги 7 та ҳамда 20X5 ҳажмдаги сув хавзалари ташкил этилди. Айни кунларда бу ерда 14 минг дона балиқ чавоқлари парваришланаётир.

Лойиҳанинг эътиборли жиҳати шундаки, ёпиқ усулдаги сув хавзаларида четдан келтириладиган балиқ чавоқлари парваришланиши режалаштирилган. Шу мақсадда Туркия, Россия давлатларининг замонавий ускуналари келтириб ўрнатилиши мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, 500 миллион сўмлик кредит маблағи эвазига сувда кислород миқдорини таъминлашга хизмат қилувчи замонавий ускуна сотиб олиш юзасидан ҳам саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Бундан ташқари, Ургут ва Каттакўрғон туманларидаги балиқчилик хўжаликларига ажратилган сув хавзаларига 130 тадан жами 260 та, Иштихон туманида эса 200 та кафас (садок) ўрнатиш, Тайлоқ туманида 4 та, Каттакўрғон, Оқдарё ва Самарқанд туманларида биттадан ҳамда Пастдарғом туманида 2 та, жами 9 та ёпиқ сув айланма тизими (УЗВ) қуриш режалаштирилган. Шунингдек, жорий йилда Пайариқ туманида балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва омихта ем ишлаб чиқариш қорхонаси ташкил этилади.

Ана шундай кенг қўлланма ишлар самарасида балиқ етиштириш ҳажми янада ўсиши, шубҳасиз.

Абдулвазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

2021 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади.

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (PhD): (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 15.00.01 — дори технологияси — 2 та ўрин.
15.00.02 — фармацевтик кимё ва фармакогнозия — 2 та ўрин.
15.00.03 — фармацевтика ишини ташкил этиш — 1 та ўрин.
14.00.17 — фармакология ва клиник фармакология — 1 та ўрин.

Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:

- ариза;
• қисқача биографик маълумотнома (объективка);
• меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
• олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
• нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида битта мақола, 2 та тезис) ва уларнинг нусхалари;
• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади;
• илмий раҳбарнинг ёзма розилиги;
• паспорт нусхаси;
• 3x4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат.

Таянч докторантура (PhD)да ўқиш учун талабгорлар ихтисослик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонларини топширади.

ДОКТОРАНТУРА (DSc): (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 15.00.01 — дори технологияси — 1 та ўрин.
15.00.02 — фармацевтик кимё ва фармакогнозия — 1 та ўрин.

Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:

- ариза;
• қисқача биографик маълумотнома (объективка);
• меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
• олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;

- нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 3 та мақола, 2 та тезис) ва уларнинг нусхалари;
• илмий раҳбарнинг ёзма розилиги;
• паспорт нусхаси;
• 3x4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат.

Докторантура (DSc)да ўқиш учун талабгорлар ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтади.

МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК: (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

- 15.00.01 — дори технологияси.
15.00.02 — фармацевтик кимё ва фармакогнозия.
15.00.03 — фармацевтика ишини ташкил этиш.
14.00.17 — фармакология ва клиник фармакология.

Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:

- ариза;
• қисқача биографик маълумотнома (объективка);
• меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
• фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
• фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
• нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 1 та мақола, 2 та тезис) ва уларнинг нусхалари (PhD);
• нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 3 та мақола, 2 та тезис) ва уларнинг нусхалари (DSc);
• илмий маслаҳатчининг ёзма розилиги;
• паспорт нусхаси;
• 3x4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат;
• иш жойидан тавсиянома.

Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш 2020 йил 30 ноябргача бўлган муддатда ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли хулосасига кўра амалга оширилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2020 йилнинг 15 октябригача. Кириш имтиҳонлари 2020 йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Қўшимча маълумотларни 71-256-39-54 телефон рақами орқали олишингиз мумкин. Талабгорлар http://www.phd.mininnovation.uz тизимидан рўйхатдан ўтиши лозим.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй, Тошкент фармацевтика институти, Илмий-тадқиқот, инновациялар ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлими.

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ҲАМДА «БЕШИНЧИ ҲОКИМИЯТ»: МУАММО ВА ЕЧИМ



Миллий тараққиёт кенг қамровли тушунча бўлиб, у иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда миллатнинг ривожланганлик даражасини ифода этади. Уларнинг биринчи иккинчисидан ажратиб бўлмайди: иқтисодий фаровонликсиз сиёсий соҳада ўзгартириш ясаш, ўз навбатида, сиёсий жиҳада белгиланган вазифаларни иқтисодиётда юзага келадиган инқирозлар ёки муаммолар шартлида тўлиқ амалга ошириб бўлмайди. Чунки уларнинг барчаси инсон омилли, унинг дунёқарашли,

интеллектуал салоҳияти, интилиши, жамиятда кечадиган жараёнларга муносабатлари, мамлакат ва миллат тараққиёти йўналишидаги фаолиятларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Таниқли олим, Тошкент кимё-технология институти профессори, фалсафа фанлари доктори Саъдулла Отамуротов билан сўхбатимиз ҳам бугунги кундаги энг долзарб масала — Ўзбекистоннинг миллий тараққиёти ва “бешинчи ҳокимият” мавзусида бўлди.

Долзарб мавзу

— Фарбда демократия тамойили кундалик ҳаёт тарзига айланган. Унинг ўзбек жамиятидаги ўрни ҳақида қандай фикрдайсиз?

— Демократия — яққа инсонлар ёки гуруҳларнинг эмас, балки миллатнинг ягона куч бўлиб уюшган миллат сиёсий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларни идора қилишда иштирокини ифода эттирувчи институт. Миллат вакиллари (фуқаролар)нинг давлат ҳокимиятини бошқаришдаги иштироклари қай даражада эканлиги ҳам муҳим, етакчи омил вазифасини ўтайди. Демократия давлат ҳокимияти ҳамда фуқароларнинг унда фаол қатнашишида ўзининг ифодасини топадиган, аммо реал амалиётда юзага келиши қийин кечадиган жараён. Сабаби бир томондан, давлат ҳокимияти ўз табиатидан келиб чиқиб, “ҳужумор”-ликка мойил бўлган ва бошқарувнинг барча жиловини ўз қўлида ушлаб туришга интилса, иккинчи тарафдан, фуқароларнинг ҳокимияти бошқаришга интилишларидан қўра, унга “суяниб” яшашига бўлган мойиллигининг кучлиги демократик жараёнларнинг тараққиёт эҳтиёжларидан орқада қолишига сабаб бўлиб қолаверади.

— Давлат ҳокимиятининг табиати, мазмун-моҳияти деганда нима тушуниш мумкин?

— Давлат ҳокимияти тушунчасининг мазмун-моҳиятини тушуниш учун, энг аввало, “Ҳокимиятнинг ўзи нима?” деган саволга жавоб бериш керак бўлади. Бугунги кунга келиб, ҳокимияти ўрганидиган махсус “Кратология-ҳокимиятшунослик илми” шаклланди.

Давлат ҳокимияти деганда, сиёсий ҳокимият назарда тулганда, Француз олими Шарль Луи де Монтескье (1689 — 1755): “Хар бир давлатда ушбу ҳокимият мавжуддир: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти” деб ёзган. Улар фаолиятларининг ўзаро мувозанатлашувига эришиш орқалигина жамият муаммоларини ечиш мумкин. Аммо бугунги кунга улар фаолиятини ўзаро мувозанатлаштиришнинг ҳуқуқий асослари (Конституция ва тегишли қонун) барча мамлакатда ишлаб чиқилгани ҳамда амалиётга татбиқ этилишига қарамасдан, бу муҳим муаммони тўлиқлиги ҳал этган биронга давлат шаклланмаган.

— Муаммолар ижобий ечимини топиш учун улар билан ёнма-ён юрадиган ва таъсир эттириш қодир бўлган ҳокимиятнинг бошқа шакллари йўқ, деб ўйлайсизми?

— Бор, Улар оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва жамоатчилик фикри ҳокимияти. Сиёсий ҳокимиятнинг асосий вазифаларига қонулар ишлаб чиқариш, уни амалга ошириш, қонунларнинг ижроси устидан назорат ўрнатиш, бошқаришни ташкил қилиш кирди.

Биз сиёсий ҳокимиятнинг тақомиллашувига назар солсак, у биринчидан, фуқаролар ишончини таъминлаш орқали легитимлигини мустаҳкамлаш; иккинчидан, глобал ўзгаришлар, мамлакатда юзага келадиган муаммолар ҳамда унинг ечимларини топиш учун ўзини ўзи ислоҳ қилиш; учинчидан, ушбу тармоқнинг ўзаро мувозанатда ва ҳамкорликда фаолият кўрсатишида ўзининг ифодасини топади.

Энг асосийси, давлат ҳокимияти ўзини ўзи ислоҳ қилишда ва фаолиятида фуқароларнинг ўзидан бегоналариб кетишига йўл қўйилмаслиги даркор. Бунда давлат ҳокимияти фуқароларнинг “жиловини” ўз қўлида ушлаб туришига эриша билиши қанчаллик муҳим бўлса, фуқароларнинг давлат ҳокимиятининг “жиловини” шу даражада ушлаб билиши ҳам шу даражада муҳим ҳисобланади. Ана шундангина фуқароларнинг давлат ҳокимиятига ишончи мустаҳкамланади, яъни пайта ҳокимиятнинг легитимлиги ҳам ривожланиб боради.

— Ҳўш, мазкур жараёнда ОАВ, “тўртинчи ҳокимият”нинг ўрни қандай бўлиши лозим, деб ҳисоблайсиз?

— Тўртинчи ҳокимият давлат ҳокимияти эмас, балки у давлат ва жамиятнинг, фуқароларни ўзаро боғлаб туривчи ҳокимиятдир. Унинг ҳокимиятлик мақоми шундаки, у давлат ҳокимияти фаолиятига ҳамда жамиятда кечадиган жараёнларга ўзининг таъсирини ўтказишда намоён бўлади. Тўртинчи ҳокимият реал моддий куч сифатида оммавий ахборот воситалари — радио, телевидение, газе-

та, журналлар, китоблар, интернет, мобил телефон ва телекоммуникация қабилар сифатида намоён бўлади. Тўртинчи ҳокимият қўлидаги вазифаларни бажаради: 1) давлат ва вакилларнинг фуқаролар билан боғлаб туради; 2) давлат ҳокимияти фаолияти ҳақида маълумотларни фуқароларга етказиш; 3) давлат ва жамиятда кечадиган жараёнлар, юзага келадиган муаммоларни таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан қарорларни илгари суради; 4) жамиятда яшаётган инсонлар, миллатлар, халқлар ва бошқа турли ижтимоий гуруҳларнинг бирлигини мустаҳкамлаш ҳамда уларни мамлакат ва миллат тараққиёти мақсадларига йўналтиришга ўзининг ҳиссасини қўшади; 5) давлат суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш учун мамлакат фуқароларида ватанпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик туйғуларини шакллантиради... Тўртинчи ҳокимиятсиз мукамал давлат ҳокимияти бўла олмайди.

— Мана шу фикрларнинг мантикий давом сифатида давлат ҳокимияти ва “тўртинчи ҳокимият” муносабатлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг декабрдаёқ “Давлат ҳокимияти халққа хизмат қилиши керак”, деган тарихий ширини илгари сурди. Ўзбекистонда жадал кечадиган сиёсий жараёнларнинг асосий кучи ва қудрати давлат ҳокимиятида мустаҳкамлаш бўлиб, мазкур вазифаларни амалга оширишда у фуқароларга таяниш ҳамда уларни фаолаштиришда. Бу ижтимоий-сиёсий жараёнда давлат ҳокимияти билан бирга, тўртинчи ҳокимият ҳам иштирок этади. У давлат билан фуқароларни ўзаро боғлаб, умумий мақсадларга йўналтиришга хизмат қилади.

— ОАВ кучи ҳамда қудрати жамият, мамлакат ва фуқаролар ҳаётида кечадиган барча жараённи руйроқ кўрсатишда билишда намоён бўлади. Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббусига биноан, 2017 йилдан буён тўртинчи ҳокимиятнинг фаолият юритиши учун яратилган эркинликнинг жамият ижтимоий ҳаётини ўзгартиришга ўтказиётган таъсирини эътироф этиш адролдот бўлади.

Бугун ана шу эркинлик узоқ қишлоқларда содир бўлаётган ўзгаришларнинг 10 — 15 дақиқада етиб келаётганлиги ёки маҳаллий ҳокимлар ва бутун бошқарув тизимларида йўл қўйилаётган камчиликлар, фуқароларимизни қўйиётган муаммолар ОАВ томонидан очик кўтариб чиқилаётганлигига оғиб келмоқда.

Айниқса, ижтимоий тармоқлар, блогерлар фаолиятига нисбатан тўсиқлар бўлаётганлиги фуқаролар билан давлат ҳокимиятининг ўзаро ақидан мулоқот юритиши ҳамда мустақкам алоқада бўлишига имкон бермоқда. Айрим маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан ОАВга, реал воқеалиқни ёритган, мавжуд муаммоларни очик кўтариб чиқаётган блогерларга нисбатан тазйиқлик кузатилаётгани ҳам бор гап, албатта. Маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан бундай ёндашувнинг асосий сабаби, уларнинг дунёда кечадиган глобал ўзгаришлар, унинг “киёфаси”да инкилобий воқеалиқлар содир бўлаётганлиги, юртимиз бу жараёнларнинг таркибий қисми эканлигини англаб етмаётганлиги, уларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва ижтимоий фаолияти собиқ тузум даражасида қолиб кетганлиги билан изоҳланади.

— Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимда ҳам шундай фикрлар янгради: “Очиклик ва ошқоралиқ сиёсати бардавом бўлади. Лекин беш қўл баравар эмас. Жуда кўп-кўп ишларимиз тўсиқларга, жойлардаги ноинсофчиликларга дуч келмоқда. Хали кўп ижро органлари раҳбарлари бунақа очикликка тайёр эмас. Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас деб айтганим бежиз эмас, бу —

очик Ўзбекистондир”, деди Юртбошимиз.

— Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг илк кунларидаёқ очиклик сиёсатини юритиб, инсон эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш борасида сезиларли ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни амалга оширди.

Тўртинчи ҳокимият ўзининг нуфузи, фуқаро ва жамият ҳаётига таъсир ўтказиш кучи ҳамда қудрати жиҳатидан давлат ҳокимиятига ёрдам беришга қодир бўлган ҳокимиятга айланмоқда. Унинг кучи ва қудрати жамиятда кечадиган жараёнларга ўтказадиган таъсирда, фуқароларнинг дунёқарашини шакллантириш, ривожлантириш ҳамда изчиллик билан тақомиллаштиришда намоён бўлмоқда. Шунини билиш керакки, фуқаро дунёқарашини жамият ва мамлакатда кечадиган жараёнлардан орқада қолади бўлса, давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган қонунлар “ишламайди”, ҳар қандай назорат ҳам қўйилган натижадан берайди. Қачонки фуқаронинг дунёқарашини ҳақиқат амалдаги давлат ҳокимияти фаолиятидан олдинда бўлсагина, миллат ва мамлакат ривожланиб, акс ҳолда, тараққиёт бўлмайди, жамият ҳаётида битта жойда депессия, турғунлик кузатилаверади.

Тўртинчи ҳокимият фуқароларнинг дунёқарашини шакллантириш, жамият ҳамда давлат фаолиятига нисбатан муносабатларини ва уларга фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришдаги ўрни ҳамда давлат ҳокимияти кўйи тизимининг маҳаллий ва марказий тармоқларида зарурати ҳамда эҳтиёж юзага келган шароитда, уларни ҳам “уйғотиб” туришга ўтказадиган таъсир билан ўзликни намоён эта оладиган мақомга эга бўлган ҳокимият шаклидир.

— Тўртинчи ҳокимият ҳақида гаплашдик. Энди “бешинчи ҳокимият” тушунчасига ҳам аниқлик киритсангиз. Жаҳон микёсида мазкур янги тушунчанинг ривожланиб бораётгани ҳусусида нималар дейишингиз мумкин?

— “Википедия”да “бешинчи ҳокимият” инглизча “Fifth Estate” сўзидан келиб чиққанлиги, у жамиятга таъсир этувчи куч, фуқаролар жамияти ҳаётини бошқаришда қатнашувчи сиёсий институт эканлиги таърифи берилган. Албатта, бу тушунча хали жаҳон микёсида кенг оммавийлашмаган бўлса-да, АКШ, Буюк Британия ва Россия каби мамлакатларда аллақандай эътироф этилган.

Хусусан, АКШда баъзи тадқиқотчилар блогерларни бешинчи ҳокимият, баъзилар молини (пўлни) бешинчи ҳокимият, деб ҳисоблайди. Россиялик тадқиқотчи Ярослав Бутовков мамлакатда фаолият олиб бораётган Жамоатчилик палатаси (Общественная палата) Украинада журналистлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мустақил интернет ОАВни бешинчи ҳокимият сифатида тан олади.

— Собиқ иттифоқ даври билан солиштирганда, биз ўта мураккаб сиёсий жараёнларни бошимиздан ўтказмоқдамиз. Тўртинчи ҳокимият ҳам, “бешинчи ҳокимият” ҳам давлат ҳокимиятига таянч, суянч ва вазифасини ўтаганини ривожланган мамлакатларнинг илгор тажрибасидан яхши билиб олмақдамиз. Ушбу ҳокимиятларнинг сиёсат майдонида юзага келишига давлат ҳокимияти шарт-шароит яратиб бериши масаласига нима дейсиз?

— Бу масалага ижобий қарайман. Юрқорида таъкидланганидек, вазифасидан келиб чиққан ҳолда, ҳамма гап тўртинчи ҳокимиятнинг жамият, мамлакат ва фуқаролар ҳаётини ўз вақтида объектив таҳлил қила билиши ва юзага келадиган жараёнларни очик ёрита олишига боғлиқ бўлиб туриши. Агар ана шу табиий жараён силлиқ кечгудек бўлса, шаклланган жамоатчилик фикри, образли тилда айтганда, жамоатчилик ҳокимияти мақомига етиб келади ҳамда мустақил куч сифатида давлат ҳокимиятига ўзининг “сўзини” айтида ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ижобий ўзгаришлар бўлишига “мажбур” этади.

Жамоатчилик ҳокимияти ҳам ҳокимиятнинг бошқа шакллари каби жамият ҳаётида шаклланади ва унинг барча соҳасига ўзининг ижобий таъсирини ўтказа олади. Бу — ҳаёт тақозоси.

— “Бешинчи ҳокимият” бошқа ҳокимият шаклларида нима билан фарқ қилади?

— Унинг фарқи жиҳатлари қўйидагиларда кўринади: биринчидан, у давлат ва тўртинчи ҳокимият каби мустақил мақомга эга эмас, иккинчидан, унда ҳуқуқий ҳамда моддий асослар ҳам йўқ; учинчидан, у кўз илғамас ҳолатда шаклланади ва жамият ҳамда фуқаролар ҳаётида юзага келадиган муаммоларнинг давлат ҳокимияти ва уларга масъул бўлган ташкилотлар томонидан ўз вақтида ҳал этилмаслиги ёки ҳал этилишининг узоқ вақтга чўзилиши шароитида реал моддий куч даражасига кўтарилади ҳамда ўзининг “мен”ини намоён қилади. Яна ҳам аниқроқ, вужудга келган муаммоларни ҳал этиш “ташаббус”ни ўз қўлига олади.

— Ана шу устувор жиҳатларни ҳисобга олсак, “бешинчи ҳокимият” ўз кучи ва қудрати билан ҳокимиятнинг бошқа шакллари ила ёнма-ён туриши ойдinлашмоқда...

— Албатта. Зарурат бўлганда, маълум шарт-шароитларда уларнинг барчасига ўзининг таъсирини ўтказиши. “Бешинчи ҳокимият” фақат муаммолар юзага келгандагина эмас, балки давлат ҳокимиятининг мамлакатни ривожлантириш, фуқаролар фаровонлигини таъминлаш, миллатлараро муносабатлар, миллий хавфсизлиги мустаҳкамлашга қаратилган вазифаларини амалга ошириш орқали миллий тараққиётга эришишда ҳам ўзининг “мен”ини намоён этади.

Шу мавзуда олганда, жамоатчилик ҳокимияти салбий эмас, балки ижобий омилидир, унинг қайси йўналишда ривожланиши эса давлат ҳокимияти ва тўртинчи ҳокимият фаолиятига боғлиқ. Уларнинг барқарор ишлаши “бешинчи ҳокимият”нинг ҳам жамият ва мамлакат тараққиёти йўлида уларга ҳамкор, маддадор ҳамда ягона куч сифатида бир-лашб ҳаракат қилишига, демаски, миллий манфаатлар йўлида бирлашишига олиб келади.

— Шу ўринда айтгинчи, ҳоррижлик тадқиқотчиларининг молия (пул), иқтисодиёт, блогерлик, ҳатто дин ҳам “бешинчи ҳокимият” бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрига қандай қарайсиз?

— Уларга эътирозимиз йўқ, Чунки чет элда барчаси аниқ мақомга эга, улар давлат ҳокимияти (дин ва блогерлик мустасно) томонидан шакллантирилган ҳамда давлат таъминотидаги кириди. Блогерларнинг “бешинчи ҳокимият” дейилиши ҳам мунозарали масала. Сабаби, жамиятимизда тулғаниб қолган қўлгина муаммоларни тўртинчи ҳокимият ҳам олиб чиқмоқда. Демак, фаолияти ҳамда мақоми жиҳатидан улар тўртинчи ҳокимиятнинг таркибий қисмини ташкил этади. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаёти воқеаларини кузатиш ва таҳлилларимизга суяниб адолат юзасидан айтиш мумкинки, блогерлар жамиятдаги муаммоларни дадил кўтариб чиқишда тўртинчи ҳокимиятдан ҳам устуликка эришиб (ҳокимлар, эркин сайловлар, уларни бузишлар, этика қондасини бузишлар), нафақат давлат ҳокимияти, шу билан бирга, тўртинчи ҳокимиятнинг ҳаракати ҳам фаолашувига ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Шунини таъкидлаш лозимки, ҳокимиятнинг барча шакли жамият, мамлакат ва фуқароларнинг фаровон яшаш, ҳаёт кечириши ҳамда ривожланишини таъминлашнинг эҳтиёжи сифатида юзага келган. Улар инсоният тараққиётига мос равишда янада тақомиллаштириб боради. Шу маънода, уларга бўлган эҳтиёж бугун ва истиболда ҳам сақланиб қолаверади.

— Биз бугунги сўхбатимизда сиёсий модернизация шароитида, ислохотлар жараёнида мамлакатларда ижтимоий-сиёсий эҳтиёж ва заруратдан келиб чиқиб, ҳокимиятнинг замонавий шакллари ҳақидаги фикрларимизни билдирмоқдамиз. Миллий тараққиётда буларнинг тутган ўрни, ҳақиқий мақоми ҳамда келажак нима бўлади? Миллий тараққиёт ва “бешинчи ҳокимият”нинг уйғунлиги, бирга ишлаши масаласи ечим, механизмлари қандай амалга оширилади?

— Албатта, мақсад ҳамда мудоаимиз ҳам бу борада жамоатчилик билан фикр алмашиш ва давлат ҳокимиятининг обрўси, имижини кўтаришга беқиёс хизмат қиладиган механизмларни ўртага ташлашдан иборат. Президент

Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг декабрдаёқ “Давлат ҳокимияти халққа хизмат қилиши керак”, деган тарихий ширини илгари сурди. Ўзбекистонда жадал кечадиган сиёсий жараёнларнинг асосий кучи ва қудрати давлат ҳокимиятига ёрдам беришга қодир бўлган ҳокимиятга таяниш ҳамда уларни фаолаштиришда. Бу ижтимоий-сиёсий жараёнда давлат ҳокимияти билан бирга, тўртинчи ҳокимият ҳам иштирок этади. У давлат билан фуқароларни ўзаро боғлаб, умумий мақсадларга йўналтиришга хизмат қилади. Ҳокимиятнинг бу шакллари дунё олимлари томонидан чуқур таҳлил этилган, ўрганилган, тегишли концепциялар ишлаб чиқилган ва бугун ҳам бу жараён давом этмоқда. Аммо “бешинчи ҳокимият” тушунчаси фақат санокли мамлакатлардагина ўрганиб келинмоқда. Бугунги кунда дунёнинг шиддат билан ўзгариши, ахборот асри қонунлари илдамлашгани фуқаролар онги, ҳаёт кечириши, дунёқарашини ҳамда хатти-ҳаракатлари ҳамда ўзининг ифодасини топтомай қўймайди. Инсониятнинг ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти юксалган айни пайтда, жамият аъзолари тобора фаолашиб бормоқда, айрим мамлакатларда давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги муносабатлар чигалашмоқда, баъзи ғаламис қимсалар демократия байроғи остида ҳокимиятнинг қўлга қиритиш йўлида жонини жабборга бермоқда... Уларнинг барчаси даврнинг инъикоси ми ёки замони тезлаштирган инсониятнинг хизматими, деган саволларга жавоб излаш ва ҳокимиятни инсонларнинг бежавотир, тинч яшаш, ҳаёт кечиришига ҳамда дунёда амал қилаётган агрессия кайфият ривожланишининг олдини олиш энг долзарб вазифалардан бирига айланган айни ҳақиқат. Давлат ҳокимиятларининг ўзлари ушбу вазифанин удрдасидан чиқа олмайди. Бунинг олдини олиш учун эса инсонларнинг ўзларини жалб қилиш зарурияти туғилаверади.

— Демак, жамиятда юзага келган вазиятдан огоҳ этиш, муаммоларга биргалликда ечим излаш учун фуқаролар онги, қалбидан она Ватан, юрт равақи йўлида ягона куч бўлиб бирлашиб туғишсини мустаҳкамлаш зарур. Бунинг учун четдаги томошабинларга эмас, халқнинг ўзига суяниш керак, демоқчисиз.

— Халқ катта куч, унинг қудрати, чексиз имкониятдан миллий манфаат ҳамда миллати тараққиётимиз йўлида унумли фойдалана билиш керак. Муаммо ҳам шунда. Биз интернет, ахборот, глобаллашув шиддатли ривожланган бир даврда яшаймиз. Ахборотларда келтирилишича, тараққиётга эришган мамлакатларда фуқароларнинг давлат ҳокимияти, жамият ва ўзигидан бегоналариш жараёни кучайиб бормоқда. Бундай вазиятнинг олдини олишнинг имконияти яна инсонларнинг ўзларига бориб тақалаверади. Уларни турли бегоналашувлардан халос қилиш ҳамда ягона куч сифатидаги туйғуларни оммавий тарзда шакллантирадиган ҳокимият “механизми”нинг ишлашига эришиш ана шу имкониятлардан бири ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, мавжуд муаммоларнинг ечимини топишда ҳамда миллий тараққиёт стратегияси ва вазифаларининг ижросини таъминлашда фуқароларимиз онги ҳамда тафаккурда “бешинчи ҳокимият” ҳақидаги қарашларни шакллантириш ва амалиётини юзага келтириш фурсати етиб келди. “Бешинчи ҳокимият”, бу — фуқароларнинг “шахсий” ташаббуси интилишларининг инъикоси бўлганлиги боис ҳам жамият тараққиётига, давлат ҳокимияти фаолиятига ўзининг салмоқли таъсирини ўткази оладиган асосий кўчлардан бирига айланган сир бўлмай қолди.

“Бешинчи ҳокимият” фуқароларнинг “шахсий”, яъни уларнинг оммавий қарашларини ўзаро уйғунлаштирган ҳокимият бўлишига қарамасдан, мамлакатимизда уни ўрганиш бугунги кунга долзарблигига қолмоқда. Бугун юртимизда ҳокимият тармоқларини ўрганишдан қўлаб ташкилотлар, илмий марказлар ва давлат ташкилотлари мавжуд. Аммо “бешинчи ҳокимият”ни — жамоатчилик фикри ҳокимиятини ўрганидиган махсус мустақил илмий-тадқиқот институтилари ташкил этилган. Бугун фаолият олиб бораётган “Ижтимоий фикр” марказига муқобил бўлган марказлар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Мамлакатимизда барча соҳада кечадиган жадал ўзгаришлар билан бир вақтда, фуқароларимиз онги, дунёқарашини ҳамда хатти-ҳаракатларида шаклланаётган янги ҳақиқатлар, ўзгариётган Ўзбекистондаги янги бошқарушнинг имкониятлари ана шундай институт ҳамда марказларни ташкил қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Уйлашимизча, уларнинг фаолиятларини “бешинчи ҳокимият”ни ўрганишга, таҳлил қилишга ва тегишли илмий хулосалар ишлаб чиқишга йўналтириш Ўзбекистон ҳамда миллатимиз тараққиётига салмоқли хизма бўлиб қўйилади. Янги талабга жавоб берадиган илмий-амалий марказларни ташкил этишни замон шиддати, миллий тараққиётимиз вазифалари тақозо қилмоқда. “Бешинчи ҳокимият” тушунчаси моҳиятини тадқиқ ва таҳлил қилиш унинг фаолиятини ҳокимиятнинг бошқа шакллари билан яқин ҳамкорлигини мустаҳкамлаш имкониятларини юзага чиқаришга ҳамда мамлакатимиз ва миллий тараққиётимизга хизмат қилишда ягона кучга айланади.

Бактиёр ОМОНОВ сўхбатлашди.

ТАЪЛИМ КОЛЛЕЖ ЗАМОНАВИЙ КАСБ-ҲУНАРГА ЎРГАТИШ МАРКАЗИГА АЙЛАНТИРИЛДИ

Мутахассисликни эгаллаш учун уч ой ўқиш кифоя.

Янгилаётган Ўзбекистон шароитида сон кетидан қўвишдек зарарли одатлардан воз кечилляпти. Масалан, яқин-яқингача ҳам “Коллежни фалон нафар ўқувчи битириб, улар уч томонлама шартнома асосида ишга жойлаштирилди” қабилидаги, ҳақиқатга у қадар тўғри келавермайдиган ҳисоботлар эълон қилинарди. Энди бундай вазиятлар ўтмиш хатоси сифатида тан олинмоқда.



Таълимда самарали, одамлар учун нафи тегадиган йўналишлар танланмоқда. Президентимизнинг “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаолигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосда фаолиятини бошлаган Турақўрғон касб-ҳунарга ўқитиш маркази ҳам бунга мисол бўла олади.

Шаҳанда қишлоғида фаолият кўрсатиб келаётган касб-ҳунар коллежи неғизда жорий этилган мазкур муассасада Наманган вилоятининг олти тауманидаги аҳоли вакиллари 15 та йўналишдаги касб-ҳунарга 3 ой давомида ўқитилди. Тикучилик, электр пайвандчи, электромонтер, чилангар, қандолатчи-ошпаз, аёллар сарторошлиги, бухгалтерия, компьютер оператори, В. С тоғидаги хайдовчи сингари мутахассисликларга ўргатиш баробарида лимончилик, асаларчилик, қуёнчилик, паррандачилик, чорвачилик, пиллачилик, балиқчилик бўйича ҳам билим берилади. Шунингдек, келгусида алюминий профили ашик ва ромлар ҳамда металлга ишлов берувчи усталар етиштириш кўзда тутилган.

Коллеждан мерос сифатида қолган бино, иншоотлар, автомобиль, стол-стул ва бошқа моддий ресурсларга эга марказни Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан 1 миллиард 244 миллион сўмлик жиҳозлар билан таъминлаш режалаштирилган. Ҳозирчага 250 миллион сўмдан зиёд турли жиҳозлар келтирилди. Бундан ташқари, 450 миллион сўм маблағ сарфланган муассаса жорий таъмирдан чиқарилади. Агробизнес доирасидаги ўқув моделлари учун 7 та хона соҳага оид кўргазмалар воситалар билан таъминланди.

— Коллеждан фарқли томони, ўқув марказимизда тингловчиларга фақат танлаган соҳалари бўйича билим берилади ва кўпроқ амалий машғулотлар ўтказилади, — дейди муассаса директори Муродилла Иброҳимов. — Мақсад қисқа муддатда юқори малакали мутахассислар етиштириш бўлган, асосий эътибор касб-ҳунарни пухта ўлаштиришга қаратилган мавзу. Айни пайтда муассасада 100 дан зиёд тингловчилар 21 нафар ўқувчи томонидан касб-ҳунарга ўргатиламоқда. Уқини таомилланганларга махсус гувоҳнома-сертификат берилади. Президентимиз қарорига мувофиқ, бу ҳужжатнинг ҳуқуқий мақоми касб-ҳунар коллежини таомилланганларга берилган дипломга